

Ҳожатхонада сўзлашиш ва зикр қилишни ман этиш



10:10 / 28 ноябрь 666

Хоҳ яланглик-сахрода бўлсин, хоҳ пана жойда, ҳожат чиқараётиб сўзлашиш ва зикр қилиш макруҳдир. Фақат зарурат юзасидан рухсат берилган. Баъзи соҳибларимизнинг фикрича, акса урса, ҳамд айтилмайди, акса уриб, ҳамд айтганга жавоб берилмайди, саломга алик олинмайди, муаззинга ижобат қилинмайди. Чунки бу ҳолатида мусулмон киши жавобга мустаҳиқ эмас. Жавоб бериши макруҳ ҳисобланади. Аммо ҳаром эмас. Лекин акса урганида тилини қимирлатмасдан, қалби билан ҳамд айтса, зарари йўқ. Шунингдек, жимоъ пайтида ҳам айтиш безарардир.

Муҳожир ибн Қунфуз розияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига борсам, у зот бавл қилаётган эканлар. Салом бердим, у зот таҳорат қилиб бўлгунларича жавоб бермадилар. Сўнг менга узр айтиб: «Аллоҳни нопок ёки таҳоратсиз ҳолда зикр қилишни хушламадим», дедилар».

Абу Довуд, Насайй ва Ибн Можалар саҳиҳ иснод билан ривоят қилишган.

Соҳибларимиз айтишади: «Ҳожатда ўтирган кишига салом бериш макруҳдир. Мабодо, салом берилса, жавоби шарт эмас».

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан